



Ман бурунги замонда илм ва маданият ўчоги бўлгоним учун дунёнинг маъмур ва масъуд ўлкасидан саналар эдим. Шунинг учун эдики, ҳозирда кўйнимдаги (харобазорлардан иборат бўлгон) Самарканд — «Самарканд фирдавсмонанд» аталур эди. Чин ўғлонларимдан бўлгон у ботур, у жаҳонгир Темур даврида кўргон умроният ва бахтиёрлигим киёматгача эсимдан чикмас.

Ох! На бўлдим, сўнги болаларим илм ва маорифдан узоқлашдилар. Ота-боболарининг йўлларида чикдилар. Нега оталариндан мерос қолгон маорифни ташлаб жаҳолатни ихтиёр этдилар? Бирликни кўйиб, нифок ва низога недан киришдилар? Илгари ёт ва душманлар кинини тўқмак билан ифтихор кила эканлар, сўнгра жаҳолат ва нафсоният сабабли ўз диндош ва қондошларининг қонларини тўқдилар. Бошқа иборат билан айтганда, ўз томурларига ўзлари болта урдилар. Мана бу озғунлик ва ахлоқсизликлари сабабли бир-бирларидан айрилишиб бўлак-бўлак бўлдилар-да, ётлар тарафиндан қулайгина ютилдилар, ўз истикболларига хотима чекдилар. Бу орада маним устимдаги маданият осориндан бўлгон тоғ каби мадрасалар ва расадхоналар ҳам харобазорга айланиб қолди.

Ох! Хар на бўлди, энди ўтди... Модомики, маним кўлимдан чидам, тўзим ва яхши дуодан бошқа иш қелмас эди, у ноҳулк болаларим ҳақинда Тангридан тавфик ва инсоф талаб тура эдим. Йўқ, бахтсизлигимдан булар тезликда инсоф ва интибоҳга қелмадилар. Теварагимдаги ёт элларга қарасам, аларнинг ҳар бирлари қундан-қун маданийлашмоқда, олдай бормоқда ва тинчгина яшамокдалар.

Аларнинг бу ҳолларини кўруб, яна қот-қот дардим зўрайдир, ҳасратим кўпаядир, бурунги шон ва шавкатим, иморат ва маданийим эсимга қела бошлайдир. Хўнғир-хўнғир йиглайман, нола ва фарёд қиламан... Аммо маним бу ҳолимни кўрувчи кўз қайда? Қайгули товушимни эшитгувчи қулоқ қани?..

Ох! Қандай бахтиқаро эканман, нечук толесиз эканманки, бу қунда маним кўшнларим интибоҳ азонин эшитиб уйғонгон ва ўз саодатлари сари югурмоқда бўлгон ҳолда, маним бахтсиз авлодим бир-бирлари билан нифок ва адоват қучи билан талашиб, ёқалашиб, охири ҳориб, қучсизланиб жаҳолат тўшагинда ҳануз ухламоқда ва жонсиз гавдалар каби ҳануз ётмоқдалар...

Ай туркистонли турк ўғлонларим! Энди турингиз! Жаҳолат уйқусиндан уйғонингизки, қичик қиёмат кўпди!.. Агар бу чоғда ҳам уйғонмай ўзингизни асорат қишанингиздан, ёқангизни жаҳолат қанғалиндан, юртингизни душманлар тирногиндан ажратиб

кутулмасангиз, сўнгра буюк киёматда сизларга тамуг ериндан бошка юрт берилмас, заккум ошиндан бўлак емак едирилмаски, расвои олам бўлурсиз.

Ай турк болаларим, уйгонингиз! Уйгонингиз! Мана, бокингиз, кичик киёмат бўлиб колди. Хар кимсанинг номаи аъмоли ўз кўлига берилди. «Аъмоли» тарозуси хам курилди. Мана карангиз! «Аъмоли солих»и ортук келган миллатлар шодлик билан учмок, саодат сари чопмокда. Аммо ёмон илми орткон кавмлар «сирот» кўприкиндан ўтолмай, тамуг сари тушмакда ва йикилмокдадирлар...

Ай суюкли ўғлонларим, уйгонингиз! Уйгонингиз! Тонг отди, энди ухламок харом!.. Киёмат кўпди, энди тек турмак махол! Ана тинглангиз! Хозирги маданиятнинг сури Исрофили, охир замоннинг муаззини на дер? Дерки, «Хаййа ўалал фалах!».

Хожи Муин, «Хуррият» газетаси, 1917 йил, 10 ноябрь